# КАДРЛАР ЎЗИМИЗДАН

БИР пайтлар илғор бўлган 8-бригада кейинги йилларда қолоқлар қаторига қўшилиб қолди. Ҳосилдорлик колхознинг ўртача кўрсаткичидан ҳам пасайиб кетди, маҳсулот хажми камайди.

Бригададаги бу аҳвол партия ташкилотини ҳам, колхоз правлениесини ҳам ташвишлантирмай қолмади. Кўрилган тадбирлар кор қилмади. Кейин масалани партком йиғилишида кенгроқ кўриб чиқишга қарор қилдик ва йиғилишга бош мутахассисларни, бригада аъзоларини ҳам таклиф этдик.

Йиғилиш қизғин, музокарали ўтди. Бригадирни алмаштиришга қарор қилдик. Коллективга коммунист Эркин Зуфаров бошлиқ қилиб тайинланди.

Суяги меҳнатда қотган, ишчан коммунист Эркин Зуфаров ишни қатъий меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан бошлади. Чунки, колхозчиларнинг аксарияти ҳоҳласа ишга чиқишиб, ҳоҳламаса чиқишмай масъулиятни унутиб қўйишган эди. Янги бошлиқ бу ишларга тамоман барҳам берди. Экинларни агротехника қоидалари асосида парваришлашга алоҳида эътиборни қаратди. Бригададаги коммунистларнинг масъулияти оширилди. Уларга аниқ топшириқлар берилди, илғор усуллар кенг жорий этила бошланди.

Кўрилган барча тадбирлар тезда ўз самараларини кўрсатди. Бригада коллективи бир йилдаёқ оёққа турди. Ҳар йили бажарилмай келган планлар шу йилнинг ўзидаёқ анча ортиғи билан адо этилди. Натижада колхозчиларнинг даромадлари ошди, кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришдан бригада аъзоларининг шахсий манфаатдорлиги кўпайди.

Бугунги кунда хўжалигимизда қолоқ бригадалар қолмаган. Колхоз партия комитети ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, техникадан унумли фойдаланишда барча зарур тадбирларни кўраяпти. Энг муҳими ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкалари ишбилармон, ғайратли кадрлар билан мустаҳкамланяпти.

Маълумки, қаерда кадрлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда ютуқлар ортаверади. Биз буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Шунинг учун ҳам кадрлар билан ишлаш, ёш мутахассислар тайёрлаш, уларни ўқитиш, малакасини оширишга жиддий эътибор билан қараяпмиз.

Икки йилдирки, колхозимизда сабзавотчилик курси ишлаб турибди. Ўтган давр ичида бу курсни 150 дан зиёд хотин-қизларимиз битказишиб, айни кунларда улар дала ва теплица хўжаликларида меҳнат қилишяпти.

Шунингдек, ёшларимизнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишлари учун кечки механизаторлик ва шофёрлик курсларини ташкил этганмиз. Шу тариқа механизатор ва шофёр кадрлар ҳам ўзимиздан чиқяпти.

Бугунги кунда колхоз партия ташкилоти ҳисобида 98 коммунист бор. Улар 9 та цех партия ташкилоти ва 2 та партия группасига бирлашиб ишлаб чиқаришнинг етакчи участкаларида фаолият кўрсатишяпти.

### ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТ ИШ УСЛУБИ

Ҳар бир коммунист конкрет партиявий топшириққа эга. Улар вақти-вақти билан цех партия ташкилоти ва партия группаларининг умумий йиғилишларида ҳисоб бериб туришади. Бош мутахассисларимизнинг ҳисоботларини эса план асосида мунтазам равишда партком йиғилишларида тинглаб борамиз. Илғор бригада бошлиқлари, чорвадорларнинг ватанпарварлик ташаббусларини очиқ партия йиғилишларида маъқуллаб хўжалик меҳнаткашлари ўртасида кенг тарғиб қилаяпмиз.

Ташаббускор кадрларимиздан бири — 4-бригада етакчиси коммунист Асад Зуфаров бошлиқ бригада коллективи йил бошида мўл ва сифатли сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан бирга бригаданинг «кичик фермаси»да ёрдамчи хўжаликни ривожлантириб йил охиригача 6 тонна гўшт етиштириш ташаббуси билан чиқди. Коллективнинг ватанпарварлик ташаббуси барча бригадалар ўртасида кенг оммалаштирилаяпти.

Шунингдек, бир группа «кумуш тола» ижодкорлари ҳам эрта баҳорда хайрли ташаббус билан чиқишган эдилар. Улар мавсумда мўл пилла ҳосили олиб, ўз сўзларининг устидан чиқишди, Салима Умарова, Мукамбар Зокирова, Омина Мирзаева ва Гулистон Холмуродовалар ҳар бир қути қурт уруғидан 100—110 килограммдан ҳосил етиштирдилар.

Илғорлар ташаббусини оммалаштиришда оғзаки сиёсий агитация кадрлари активлик кўрсатмоқдалар. Айни кунларда дала шийпонларида, чорвачилик фермасида 18 нафар агитатор, 6 нафар пропагандист ва «Билим» жамиятининг 30 дан зиёд лекторлари КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорлари асосида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар, ўзларининг жанговар сўзлари билан меҳнаткашларни янада унумли ишлашга ундамоқдалар. Улар ўзларига берилган партия топшириғини ҳалол бажармоқдалар.

Коммунистларимизга берилаётган топшириқлар характери ранг-баранг. Колхозимиз территориясидаги ҳар бир кўчага маълум бир коммунистни масъул этиб тайинлаганмиз.

Колхоз партия комитети коммунистларнинг авангардлик ролини, кадрлар масъулиятини ошира бориб, мўлкўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга катта эътибор беришяпти. Деҳқончиликнинг дастлабки ҳосили — пилла топшириш планлари ортиғи билан адо этилди.

Айни кунларда эртаги экинлар маҳсулотларини сотиш жадал суръатларда боряпти. Давлатга гўшт ва тухум сотиш бўйича йиллик планларимизни ҳам бажариб қўйдик. Ҳозир қўшимча мажбурият ҳисобига маҳсулот топширияпти. Бу ишларни муваффақиятли амалга оширишда коммунистларимиз ташкилотчилик ролини ўйнаяпти. Бизда ташкилотчи коммунистлар оз эмас. Раззоқ Қаюмов, Жўра Норматов, Карим Ражабов ва Мастон Шералиевалар шулар жумласидандир.

Беш йилликнинг учинчи йилида хўжалигимиз меҳнаткашлари 1100 тонна картошка, 5000 тонна сабзавот, 155 тонна гўшт, 1300 тонна сут, 160 минг дона тухум етиштиришга аҳд қилишган. Ана шу улкан мажбуриятларни шараф билан бажаришда шубҳасиз барча кадрлар муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**А. УМАРОВ,**
**Тошкент районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари.**

# ЯНА 15 МИНГ ОИЛАГА ЯНГИ УЙЛАР

**ШУ КУНЛАРДА республикамиз пойтахти Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейи муносабати билан шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий услубда қурилаётган кўплаб турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва савдо муассасалари, меҳнаткашларнинг ҳақиқий оромгоҳларига айланган маданият ва истироҳат боғлари шаҳримиз кўркига кўрк бағишламоқда. Бундай улкан ҳажмли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бажаришда «Главташкентстрой» бош бошқармаси қурувчилари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жамоатчи мухбиримиз билан бўлган суҳбатда бош бошқарма бошлиғи ўртоқ Т. НАБИЕВ коллектив бунёдкорлари олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди:**

— Юбилей арафасида,— дейди Тўлаган Набиевич,— шаҳар бунёдкорлари олдида қурилишнинг сифат даражасини ошириш, районлардаги айрим эски иншоотларни янгилашдан иборат мураккаб вазифалар турибди. Бу йил 15 мингдан зиёд оила замонавий турар-жой биноларида ҳовли тўйлари ўтказадилар. 10 минг 184 ўқувчига мўлжалланган 9 та янги мактаб биноси, 3360 ўринли 11 та болалар боқча ва яслилари, кўплаб савдо, маданий-маиший ва соғломлаштириш объектлари бунёд этилади. Шаҳарнинг саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, шаҳар хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга 500 миллион сўмдан зиёд капитал маблағ сарфланади.

Ана шу бунёдкорлик ишларининг кўпчилигини қуриш вазифаси коллективимиз зиммасига юклатилган. Белгилаган тадбирларимизга кўра сентябрь ойи охиригача 220 миллион 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз лозим. 667 минг квадрат метр турар-жой бинолари, 600 ўринли касалхона ҳамда 950 кишига мўлжалланган поликлиника қурилишини ниҳоясига етказиб, фойдаланишга топширамиз. Бу мажбуриятларни муддатидан олдин ўринлатиш йўлида ҳалол меҳнат қилаётган аҳил коллективимиз ҳозиргача 200 минг квадрат метрдан зиёд турар-жойларни эгаларига топширди. Йил бошидан буён 460 ўринли болалар боғчаси, 60 ўринли касалхона, йирик поликлиника ва шу каби яна 18 та турли хил объектлар қурилиши муваффақиятли тугалланди. Июль ойи бошигача эса 150 минг квадрат метр турар-жой биноларини фойдаланишга топшириш учун иш суръатини тобора жадаллаштиряпмиз.

**Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан**

Бунёдкорларимиз қурилиш-монтаж ишларини бажариш жараёнида юбилей йилининг 12 та энг муҳим объектларига алоҳида эътибор бераётганликлари бежиз эмас. Ғалаба боғи яқинидаги осмонўпар Тошкент телеминораси комплекси, Сапёрлар кўчасидаги 16 қаватли турар-жой биноси ва шаҳаримизнинг бошқа районларида қад ростлаётган «Прогресс» босмахонаси, электроника институти бинолари каби объектлар ана шундай зарбдор қурилишлардан ҳисобланади.

Чунки бу иншоотлар замонавий талабларга жавоб бера олиши, барча шарт-шароитларга эгалиги ҳамда ташқи кўринишининг мукаммаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Улар тўла қуриб битказилгач шаҳримизнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари сафидан ўрин эгаллайди. Айни пайтда бу объектларни юбилей кунигача фойдаланишга топшириш учун пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари авж олдириб юборилди. Шунингдек, «Главпочтамт» биноси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газеталар редакциялари корпуси ва бошқа қатор объектларда ҳам сўнгги ишлар кетяпти.

Қурувчиларимиз кенг кўламли ишларни амалга оширишда социалистик мусобақа шартлари асосида иш юритмоқдалар. Бунда 1-уйсозлик комбинати коллективи пешқадамликни қўлдан бермаётир. «Завод-транспорт-қурилиш» конвейери, бригада пудрати усули қўлланилиб, барча объектлар муддатидан олдин битказилмоқда. «Таштрансспецстрой», тресги, «Ташинжстрой» трестининг 10-қурилиш-монтаж бошқармаси, 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси коллективлари ҳам шу асосда иш олиб бориб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Мазкур коллективларнинг Р. Гайнуллин, Р. Зиёев, А. Узоқовлар бошлиқ бригадалари коллективлари, ойлик ва квартал топшириқларини ошириб бажариб, олдинги сафларда боришяпти. Минглаб қурувчилар уларга тенглашиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Корхоналаримизни реконструкция қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Шунинг натижасида ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Бу жиҳатдан, айниқса, 2-уйсозлик комбинати коллективи амалга ошираётган тадбирлар ибратли бўлмоқда. Ҳозир комбинат қувватини йилига 70 минг квадрат метр турар-жой биноларини қура олиш даражасига етказиш мақсадида реконструкция қилинмоқда. Ҳадемай, 4-уйсозлик комбинатида ҳам лойиҳадаги қувватга эришиш учун ана шундай муҳим тадбирлар кўрилади.

Коллективимиз ишчи-хизматчилари жонажон шаҳримиз юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

**Ш. ШОАЛИМОВ.**



● В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводининг «300 стан» комплекси қурилиши жадал суратлар билан давом эттириляпти.
Суратларда (юқорида, чапдан) комсомол ёшлар бригадасининг илғор ишчилари Набижон Ахмадқулов, Виссарион Ким ва Абдурасул Усмоновлар; (пастда) комплекс участкаларидан бирида монтаж ишлари олиб борилаяпти.
Р. Нуриддинов фотолари. (ЎзТАГ).



# ЛОЙИҲАЛАР ИЖОД ҚИЛЯПМИЗ

Институтимиз коллективи яратган лойиҳа бўйича ҳозир СССР халқлари дўстлиги майдони ансамбли қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу жой марказий майдонни Ҳадра, Ленин комсомоли майдонлари ҳамда Чилонзор районни билан боғловчи муҳим халқа ролини ўйнаяпти. Лойиҳа асосида Янги Ўзбекистон, Фурқат, Халқлар дўстлиги кўчалари замонавий тарзда шаклланмоқда.

Инженерларимиз зиммасига шаҳарсозликни халқ хўжалиги барча тармоқлари ривожи билан уйғунлаштирган ҳолда лойиҳалаш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда шаҳар аҳолисининг унумли меҳнат қилиши, савдо, маданий-маиший хизматлардан баҳраманд бўлиши, мазмунли дам олишини таъминловчи тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ҳозир шаҳар дам олиш зоналарини лойиҳалаш ишлари бажарилмоқда. Шаҳар транспорти комплекс схемасини ишлаб чиқиш эса тугалланди.

Кейинги йилларда Тошкент бош планини тузиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар давомида шаҳарни янада ривожлантириш, замонавий шакл бериш, уй-жой шароитини яхшилаш, аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларни янада ривожлантириш истиқболлари белгиланди. Бош план асосида шаҳар теварак-атрофида ҳам катта ўзгаришлар бўлади.

Лойиҳачиларимиз яратган чизмалар асосида қад кўтараётган биноларни кўриб кўз қувонади. Тошкент халқ хўжалик институти бош корпуси, китоблар уйи, геологлар музейи, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети биноси каби объектлар шаҳримиз юбилейига муносиб совғадир. Бундан ташқари, лойиҳаларимиз бўйича бир қатор магистрал кўчалар кесишган чорраҳаларда ер ости йўллари ҳам қурилмоқда. Уларнинг энг каттаси Ҳадра майдонидаги транспорт тоннелидир.

Институтимиз коллективи Фрунзе районни қиёфасини гўзаллаштиришда ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Районда 60 минг квадрат метр уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Улар ҳозир «Бошлик» массивида, Б. Хмельницкий, Сапёрная, Баранов кўчаларида бунёд этилмоқда. Районни ободонлаштириш соҳасида ҳам катта ишлар қилиняпти. Магистрал кўчаларнинг кичик архитектура формалари киши завқини оширади. Ҳозир Космонавтлар майдони архитектура ансамблини яратиш устида изланишлар олиб борилляпти. Бу ерда космонавт-учувчи, ватандошимиз Владимир Жонибеков бюсти ўрнатилади. Тошкентнинг камол топишида ва кўркам қиёфа касб этишида бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

**Ф. ТУРСУНОВ,**
**Тошкент бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти директори.**

# ЮБИЛЕЙГА ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН

ТОШКЕНТ бадиий буюмлар фабрикаси коллективи аҳолига кўплаб кенг истеъмол буюмлари етказиб бериш иштиёқида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Шу йилнинг охиригача фабрикада 27 миллион сўмлик тикув буюмлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Айни пайтда фабрика чеварлари 69 номенклатурадаги бадиий буюмларни истеъмолчиларга етказиб беришяпти. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг 30 га яқин тури фахрли беш қирра тамғаси билан тайёрланяпти.

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига муносиб меҳнат туҳфаси ҳозирлаш мақсадида фабрика коллективи оширилган мажбурият қабул қилди. Шунга кўра юбилейга қадар пландан ташқари 400 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади.

Попоп цехидан 10 та коммунистик меҳнат бригадаси сентябрь ойига қадар тўрт йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиққан эди. Айни пайтда бу ҳаракатга қўшилган Сабоҳат Тоҳирова, Ўктам Давидова, Заҳро Иброҳимова, Марҳамат Пўлатова каби илғорлар беш йилликнинг тўртинчи йилини якунлай деб қолдилар. Ноила Алимова, Нодира Хонтўраева, Фарида Юнусова, Вазира Боқиева сингари чеварлар эса Тошкентнинг 2 минг йиллигини уч ярим йиллик шахсий планларини бажарган ҳолда кутиб олишга азму қарор қилишган.

**С. СУЛТОНОВ.**

# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

# ЯХШИ ТАЖРИБАГА КЕНГ ЙЎЛ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича бой тажрибалар тўпланди. Шу ўринда илмий коммунизм кафедраси томонидан олиб борилаётган ишлар айниқса, диққатга сазовордир.

Ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан кафедрада кўпгина методик тадбирлар белгиланган эди. Буларнинг аксарияти бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бераётир. Студентларнинг мустақил ишлари билан боғлиқ методик кўрсатмалар таълим жараёнида қўл келди. Шу билан бирга қўшимча ёрдам ва консультацияга эҳтиёжи бўлган студентлар картотекаси ҳам ишлаб чиқилди.

Семинар машғулотларини В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, Туркистон Ҳарбий Округи музейида ўтказиш одат тусига кириб қолди. Бу каби тадбирлар кафедра томонидан олиб борилаётган «студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш» комплекс проблемани ижобий ҳал этишга катта ёрдам бермоқда. Бу ерда «Ривожланган социалистик жамиятнинг социал-синфий ва миллий тузилиши» деган комплекс проблема ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Кейинги йилларда кафедранинг турли муассаса ва корхоналар билан алоқаси янада мустаҳкамланди.

Ҳозир олимлар «Эталон» заводи билан хўжалик шартномаси асосида иш кўрмоқдалар. «Социал ривожланиш плани» мавзуидаги тадқиқот ниҳоясига етказилди. Паркент районидаги 26, 83, Тошкент шаҳридаги 110-мактаблар кафедра оталиғига олинган.

Илмий коммунизм кафедраси коллективи олий ўқув юрти ижтимоий фанлар кафедралари ўртасида ташкил этилган мусобақада 10 йилдан бери ғолиб чиқаётир. У Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан республика барча олий ўқув юртлари ўртасида бош кафедра сифатида тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги яқинда «Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг илмий коммунизмни ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича иш тажрибаси тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда кафедранинг бой иш тажрибаси маъқулланди ва уни жойларда оммалаштириш учун тавсия этилди.

**С. ОДИЛОВА.**

# ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

# ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

САФАР ТААССУРОТЛАРИ

**Шу йил июнь ойида Тошкент область касаба союзлари делегацияси ВЦСПСнинг иш планига мувофиқ беш кун мобайнида Болгария Халқ Республикаси Хасково округи касаба союзлари Советининг меҳмони бўлди. Делегацияга Тошкент область касаба союзлар Советининг раиси А. В. Браилов раҳбарлик қилди. Делегация составида «Средазуголь» комбинатининг Ангрендаги 9-шахтаси фахрий шахтёри, уччала даражали «Шахтёр шон-шуҳрати» нишонининг кавалери А. Маматов, область қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси Т. Ражабов ҳам бор эдилар.**

**Совет касаба союзлари делегациясининг раҳбари Анатолий Васильевич Браилов касаба союз ташкилотлари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги, 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери мусобақалашиб келаётган Тошкент области ва Хасково округи меҳнаткашларининг дўстлиги, болгар диёридаги учрашувлар ҳақида ҳикоя қилади.**

12 июнь чошгоҳ пайтида поездимиз кичик Оряховец шаҳарчаси вокзалининг перронида тўхтади. Бизни Хасково округ касаба союзлари Советининг раиси Лазар Рандев, бўлим мудири Ирена Чавдарова ва таржимон Иванка Ангелова қизғин ва самимий қарши олдилар. Болгар дўстларимиз бизга Шипкага саёҳат қилишни таклиф этдилар.

Шипка... Бу Озодлик ёдгорлиги кимга таниш эмас? У қалъа минорасини эслатадиган шаклда бўлиб, тоғ чўққисига ўрнатилгандир.

Болгар халқи рус биродарлари билан ёнма-ён олиб борган курашлари билан боғлиқ ҳамма нарсани кўз қорачиғидек асраётганликларини кўриб қалбинг қувончга тўлади. Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг махсус қарори билан 1956 йилда жангу-жадаллар бўлиб ўтган бу жойлар миллий боғ-музейи, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ёдгорликларни тиклаш ва янгилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Оқ тошлардан ясалган устунчалар билан рус қисмлари ва болгар кўнгиллилари позицияларининг окоплари белгиланган. Катта, Кичик, Пўлат, Тоғ, Марказий ва Айланма батареяларининг артиллерия позициялари қайта тикланди. Уларда ўша пайтда ишлатилган тўплар ўрнатилган. Айланма батареяси устида Шипкадаги рус армияси қўмондони генерал Столетовнинг команда пункти реконструкция қилинган. Жангларда ҳалок бўлган рус ва болгар жангчилари қабрлари устидаги кўпдан-кўп ёдгорликлар қайта тикланган ва янгиланган. Уларни доимо гуллар безаб туради.

Бу ерда, Шипкада совет-болгар дўстлиги нақадар мустаҳкам эканлигини чуқур ҳис этасан. Бундан қарийб юз йил илгари Шипкадаги жангларнинг бирида болгар кўнгиллиси Димитр Светков рус солдати Никифор Миколаенкони душман ўқидан кўкси билан ҳимоя қилиб, унинг ҳаётини сақлаб қолди. Миколаенко унинг учун жонини фидо қилган болгар кўнгиллиси хотирасини қалбида муқаддас сақлаш учун ўз фамилиясини Болгаров деб ўзгартирди. Улуғ Ватан уруши даврида унинг кенжа ўғли Егорь Никифорович Болгаров Варнани озод қилишда ҳалок бўлди.

Шипкада туғилган қардошлик икки халқ ўртасидаги мустаҳкам дўстликка айланди. Бу дўстлик болгар революцион пролетариатининг синфий жангларида тобланади. Болгар ишчилар синфи рус пролетар ҳаракатидан мадад оларди, улуғ Ленин ғоялари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ишларидан илҳомланарди. Бу дўстлик фашизм билан кураш йилларида вақт синовидан ўтди.

Халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқалари Болгарияда Сентябрь революцияси ғалаба қозонгандан ҳамда 1948 йилда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзолангандан сўнг алоҳида мазмун билан бойиди.

Тошкент области ва БХР Хасково округи меҳнаткашлари ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлиги совет-болгар дўстлигининг ёрқин кўриниши ҳисобланади. Мана, 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери тошкентликлар Хасково округи меҳнаткашлари билан мусобақалашиб келаётирлар. Мунтазам равишда делегациялар айрибошланиб турибди. Бу делегациялар составига партия, касаба союз ва комсомол ходимлари, халқ хўжалиги мутахассислари, фан ва маданият арбоблари, спортчилар кирадилар. Болгарияга туристик сафарлар айниқса, кўпайиб боряпти. Биз болгар диёрида бўлган биринчи кундаёқ Севастополь, Сахалин, Архангельск, Тожикистондан келган бир неча туристик группаларни учратдик. Делегациямиз турган «Аида» меҳмонхонасида эса Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналаридан келган бир гуруҳ туристларга дуч келдик. Бошқа кунлар ҳам биз Болгария Халқ Республикасида бир неча бор ўз ватандошларимизни учратдик.

Делегациямиз «Тракия» тамаки комбинатида, химия машинасозлиги комбинатида, «Марбас» кўмир комбинатида бўлди. Биз Харманли ва Свиленграддаги капронни қайта ишлаш корхонаси, тўқимачилик фабрикалари, Г. Димитров номидаги аграр-саноат комплекси ишчилари, бошқа корхоналар меҳнаткашлари билан учрашдик. Бу учрашувларнинг ҳаммасида болгар меҳнаткашлари Совет Иттифоқи ташқи сиёсатини, давлатимизнинг тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини маъқуллаётганликлари ва қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар. БХРда КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари, СССР Олий Советининг сессияси материаллари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Болгар корхоналари асосан илғор технология қўлланиладиган, юксак механизациялашган замонавий ишлаб чиқаришлардир. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган. Крепость қишлоғидаги уйсозлик комбинати ана шундай ёш корхоналардан биридир. Унга машина-механизмларни ўрнатиш даврида Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати мутахассислари келишди. Улар болгар уйсозларига технологик жиҳозларни ўзлаштиришда ёрдам бердилар.

Умуман, кейинги йилларда областимиз ва Хасково округи меҳнаткашлари ўртасидаги мусобақа, айниқса, кенг қулоч ёзганлигини таъкидлаш керак. Ҳозир айрим коллективларгина эмас, шунингдек, турдош корхоналарнинг алоҳида-алоҳида илғорлари ҳам ўзаро мусобақалашяптилар.

Тошкентлик тўқимачи Дилбар Қулматова олти йилдан кўпроқ вақтдан бери донгдор болгар тўқувчиси, БХР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иванка Гинева билан мусобақалашиб келяпти. Бу илғор тўқувчи нормадаги 6 та дастгоҳ ўрнига 18 та дастгоҳда ишлайди. Унинг дастгоҳлари Совет Иттифоқида тайёрланган, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш имконини берадиган дастгоҳлардир. Мазкур беш йилликда Иванка Гинева 300 минг метр газмол тўқиш мажбуриятини олган. У ўз сўзининг устидан чиқяпти. Ҳар икки тўқувчи бир неча бор учрашиб, тажриба алмашганлар, улар ажойиб дугоналардир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Делегациямиз аъзоси Абдураҳмон Маматов БХРнинг икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ради Станчев билан мусобақадошдир. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Р. Станчев ва у бошлиқ бригаданинг А. Маматов билан учрашуви жуда тантанали, самимий вазиятда ўтди. Бригада бошлиқлари ўз коллективлари ишига якун ясадилар. Социалистик мусобақада А. Маматов бошлиқ бригада ғолиб деб топилди. Болгар дўстларимиз шахтёримизни қизғин табриклашди, ўз режалари ҳақида гапириб бердилар. Улар конларда ишлатилаётган совет техникасига юқори баҳо беришди.

Хасководаги касаба союз ташкилотлари бу ерда бизнинг делегациямизнинг бўлишидан ўзаро мусобақани янада авж олдириш мақсадида ҳам фойдаландилар. Болгариялик ишлаб чиқариш илғорларидан 14 киши делегациямиз орқали Тошкент областидаги турдош корхоналар ходимларини мусобақага чақириш таклифини юборди. Бизнинг ходимларимиз болгар дўстларининг бу таклифини бажонидил қабул қилишди.

**(Давоми бор).**

# МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Область ижроия комитети маданият бошқармасининг навбатдаги кўчма кенгаши Ўрта Чирчиқ районида бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида колхоз раислари ва совхоз директорларининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосарларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгаш иштирокчилари Чиноз ва Ўрта Чирчиқ район маданият бўлимлари ходимларининг айни кунларда дала меҳнаткашларига қандай хизмат кўрсатаётганликлари билан танишдилар.

